Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O‘ZBEKISTON OVOZI

● 2012-yil, 16-oktabr. Seshanba ● 125 (31.557) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН — ОЗАРБОЙЖОН:

## ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11-12 октябрь кунлари расмий ташриф билан Озарбойжон Республикасида бўлди.***

Ўзбекистон делегациясининг Озарбойжонга ташрифининг илк дақиқалариданоқ қадим озарбойжон заминига хос бўлган анъанавий меҳмондўстлик, самимийлик, дўстона муносабат туйғулари ҳамда мамлакатимизга катта ҳурмат-эҳтиром намоён бўлди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ташқи сиёсий конъюнктура қандай бўлишидан қатъи назар чуқур тарихий илдизлар, ўхшаш ва яқин миллий анъаналар, урф-одатлар, тил, маданият ва динга асосланади, ҳамкорлигимиз аниқ белгиланган йўналишларга эга. Дўстона алоқаларимизнинг янги тарихида мамлакатларимиз турли даражаларда ўзаро самимий ёрдам қўлини чўзиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Озарбойжонга расмий ташрифи авваламбор мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш, илгари эришилган келишувларни тўла амалга ошириш, ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболли устувор йўналишларини белгилаб олишга қаратилди.

Ўзбекистон Озарбойжон билан кенг кўламли ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳамиша алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Мустақиллик йилларида ўзаро ишончга асосланган муносабатлар қарор топди, мамлакатларимиз ўртасида ҳеч қандай муаммолар йўқ.

Томонлар ўртасида ана шундай самимийлик ва ўзаро ишонч муҳитида, конструктив ва амалий мулоқот руҳида ўтган музокараларда Ўзбекистон-Озарбойжон муносабатларининг бугунги ҳолати ва уларни ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, минтақавий ва халқаро хавфсизликка доир долзарб муаммолар муҳокама қилинди. Бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Президентимизнинг ташрифи асносида эришилган аниқ натижалар икки томонлама муносабатларни стратегик ҳамкорликнинг сифат жиҳатдан янги босқичига олиб чиқиш имконини берди.

Минтақавий хавфсизлик муаммоларини муҳокама қилар экан, томонлар давом этаётган можаролар ва кескинлик ўчоқларини давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги тамойилига қатъий риоя қилиш асосида тинч йўл билан ҳал қилиш зарурлигини таъкидладилар.

Жанубий Кавказда қарама-қаршиликлар давом этаётган бугунги мураккаб вазиятда ҳам Озарбойжон мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга доир дастурларни амалга ошириш, иқтисодиётни диверсификация қилиш, мамлакатнинг бой ресурсларидан самарали фойдаланиш борасида салмоқли натижаларга эришмоқда. Мамлакатда замонавий технологияларга, экспортни кенгайтириш ва жаҳон бозорларига интеграциялашишга асосланган саноат базаси яратилган. Озарбойжон ўзининг қулай географик ва геостратегик ўрнидан самарали фойдаланиб, ушбу улкан минтақадаги муҳим логистик марказлардан бири сифатидаги мақомини мустаҳкамлади.

Ўзбекистон ва Озарбойжон чегарадош бўлмаса-да, Жанубий Кавказ ва Марказий Осиёнинг геосиёсий ва геоиқтисодий жиҳатдан ўзаро боғлиқлиги тобора кучайиб бораётганини эътиборга оладиган бўлсак, мамлакатларимизни кўп жиҳатлар бирлаштириб туради.

Сўнгги йиллардаги воқеалар шуни яққол кўрсатмоқдаки, улкан минерал-хомашё ва углеводород ресурслари, бой маданий-тарихий ва инсон салоҳиятига эга бўлган, жаҳон сиёсатидаги энг муҳим минтақалардан бўлган дунёнинг мазкур икки минтақасида турли ташқи кучлар ва қудратли давлатларнинг манфаатлари ўзаро дуч келмоқда ва баъзида очиқдан-очиқ тўқнашмоқда.

(Давоми 3-бетда.)

Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!




## ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН

*ҳар биримиз масъулмиз*

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИДА ШУ МАВЗУГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ, ЎзХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ МАСЪУЛЛАРИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИДАГИ ПАРТИЯМИЗ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИ, «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ ФАОЛЛАРИ ВА ЁШЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.

⇨ 2

Партиялараро баҳс

## ПАРТИЯ ҒОЯСИГА МОС ТАКЛИФЛАР

***ЎзХДП дастурида аниқ белгиланган. Бироқ либераллар бундан кўз юмишга, жамоатчиликни чалғитишга уринмоқда***

Агар ЎзЛиДеП фаоллари ЎзХДП дастури ва Сайловолди дастурини диққат ва эътибор билан ўрганишганда ЎзХДП дастурида иқтисодиётни ривожлантириш борасида берилган таклифларни илғаган, амалий баҳс-мунозара юритган бўлар эди.

⇨ 2

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ДЕПУТАТЛАР ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

ЎзХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ПАРТИЯ ФРАКЦИЯСИ ҲАМКОРЛИКДА «ЮКСАК БИЛИМЛИ, ЗАМОНАВИЙ ФИКРЛАЙДИГАН ЁШЛАР МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ГАРОВИДИР» МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗДИ. УНДА ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ, ПАРТИЯ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ МАСЪУЛ ХОДИМЛАРИ, «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ ЕТАКЧИЛАРИ ҲАМДА БИР ГУРУҲ ЁШЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.

Давра суҳбатида «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ҳамда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши бўйича амалга оширилаётган ишлар, ёшларга оид қонунлар ижросини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ёшлар билан ишлашда партия ташкилотлари ва фракция ҳамкорлигини янада кучайтириш бўйича таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

Мазкур тадбир тафсилоти билан газетамизнинг кейинги сонларида танишасиз.

**Ўз мухбиримиз**

Ифтихор

## ВАТАНИМИЗНИНГ МАТОНАТЛИ ФАРЗАНДЛАРИ




КАЛИНИНГРАДДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЖИСМОНИЙ ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАНЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ ЎЗИНИНГ ЁРКИН ЎЙИНЛАРИ БИЛАН ЯНА БИР БОР БАРЧАНИ ЛОЛ ҚОЛДИРДИ. ЖАҲОННИНГ ЭНГ КУЧЛИ ЎН ИККИ ТЕРМА ЖАМОАСИ ИШТИРОК ЭТГАН МАЗКУР МУСОБАҚАДА ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ЮКСАК МАҲОРАТ КЎРСАТИШДИ. БАРЧА УЧРАШУВЛАРДА ҒАЛАБА ҚОЗОНИБ, ҚАТОРАСИГА УЧИНЧИ БОР ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ НОМИГА САЗОВОР БЎЛИШДИ!

(Давоми 4-бетда)

## Обуна — 2013

— АЖАБО, УЛАР ГАЗЕТАНИНГ ЎТГАН СОНИНИ ШУНЧА ТАЛАШИБ-ТОРТИШИБ ЎҚИШЯПТИ. УНДАН КЎРА, ГАЗЕТАГА ОБУНА БЎЛИШСА, ВАҚТИДА ХОТИРЖАМ ЎҚИШАДИ-КУ!

НАШР КЎРСАТКИЧИ — 220



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2012 ЙИЛ 16 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Евро | 2519,20 | 1 Дания кронаси | 337,32 | 1 Хитой юани | 310,99 | 1 Туркия лираси | 1075,57 |
| 1 АҚШ доллари | 1949,15 | 1 БАА дирҳами | 530,68 | 1 Украина гривнаси | 243,86 | 1 Швейцария франки | 2082,20 |
| 1 Россия рубли | 62,93 | 1 Миср фунти | 319,66 | 1 Малайзия ринггити | 636,98 | 10 Жанубий Корея вони | 17,53 |
| 1 Австралия доллари | 1991,64 | 1 Исландия кронаси | 15,81 | 1 Польша злотийси | 614,04 | 10 Япония иенаси | 248,33 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3126,44 | 1 Канада доллари | 1987,71 | 1 СДР | 3003,91 | | |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Матбуот анжумани

● ОФАТЛАР ХАВФИНИ КАМАЙТИРИШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

3-бет

Бошланғич ташкилот – асосий таянч

# СИДҚИДИЛДАН ҚИЛИНГАН МЕҲНАТ САМАРАСИ



**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАХИАТОШ ШАҲРИДАГИ «ТАХИАТОШ» КЕКСАЛАР ВА НОГИРОНЛАР, УРУШ ВА МЕҲНАТ ФАХРИЙЛАРИ САНАТОРИЙСИ 100 ЎРИНГА МЎЛЖАЛЛАНГАН. БУ ЕРДА СУЯК-МУШАК ВА АСАБ ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИ БИЛАН ОҒРИГАН КИШИЛАР ДАВОЛАНАДИ, ДАМ ОЛАДИ ВА САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ.**

Санаторийда ЎзХДП бошланғич ташкилоти фаолият юритади. Унга 16 нафар аъзо бирлашган. Партия фаоллари бу ерда мунтазам равишда турли тадбирлар, давра суҳбати ва семинарлар ўтказиб келмоқда.

БПТ йиғилишларида партия дастурий мақсадларидан келиб чиқадиган вазифалар ижроси таҳлил қилиниб, электорат манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган масалалар бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилаётир. Улар халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари, ҳокимлик ва тегишли ташкилотларга юборилмоқда. Бу эса кишиларни ўйлантираётган қатор масалалар ижобий ечим топишига хизмат қилмоқда.

Санаторийда 2 нафар олий тоифали, 1 нафар биринчи тоифали шифокор, 16 ҳамшира ва бошқа ходимлар шифо истаб келган беморларга хизмат кўрсатади. Йил давомида бу ерда 1500 нафардан ортиқ киши дам олиб, даволанади.

— Санаторийимизда 63 нафар ходим меҳнат қилади, — дейди **бош шифокор, халқ депутатлари Тахиатош шаҳар Кенгаши депутати, бошланғич ташкилот етакчиси Жумагул АЛИЕВА**. — Физиотерапия хоналари керакли асбоб-ускуналар билан таъминланган. Шифокорлардан олий тоифали кардиолог Комилжон Бекниязов, терапевтлар Гулнара Худайбергенова, Роза Дуйсенова, шунингдек, катта ҳамшира Даулетбике Ешанова, Ойдин Авезниязова сингари тиббиёт фидойиларининг самарали меҳнатлари туфайли муассасамизга келаётган кишилар саломатлиги мустаҳкамланаяпти.

Бошланғич ташкилотимиз бу ерда асосан иккита йўналиш бўйича иш олиб боради. Биринчиси, ташкилот атрофида бирлашган фаоллар, муассасамизда фаолият кўрсатаётган тиббиётчилар ва бошқа ходимлар билан ишлаш, иккинчиси, бу ерда дам олиб, соғлиғини тиклаётган кишилар — электоратимиз вакиллари иштирокида турли тадбирлар ўтказишдир.

Дам олиш маскани тоза, озода, файзли. Ҳовлидаги фаввора ва турфа гуллар баҳри дилингизни очади. Беморларга энг сўнгги замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида керакли муолажа қилинади. Дам олаётган отахон ва онахонларни суҳбатга тортдик.

— 48 йил ўқитувчи бўлиб ишладим, ҳозир 84 ёшдаман, — дейди **Элликқалъа туманидан келган нуроний Абдулла БОЛТАБОЕВ.** — Бу санаторийга биринчи марта келишим. Шароити жуда яхши экан. Бел ва оёқ бўғинларим оғриғини даволаш учун бир қанча муолажа қабул қилдим. Шифокорлар ва ҳамширалар хизматидан мамнунман.

— Кема созлаш заводида 40 йилдан ортиқ ишладим, — дейди **Хўжайли туманидан келган отахон Собир ТУРСУНБОЕВ.** — Оёқларим оғрирди. Ҳозир ўзимни жуда яхши ҳис қилаяпман. Бу ердаги қулай шарт-шароит, шифокорларнинг ширин сўзи-ю малакаси туфайли дарддан фориғ бўлдим.

Албатта, кўпгина нуронийлар бу ерда ЎзХДП фаолияти билан яқиндан танишиб, жойларда партиямиз ғояларини тарғиб қилишда ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқда. Аммо БПТ ишини такомиллаштириш юзасидан ҳали кўп меҳнат қилиш талаб этилади. Масалан, бу ерга келаётганларнинг аксарияти электорат вакиллари ҳисобланади. Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг муаммоларини чуқур ўрганишни изчил йўлга қўйиш ва БПТда муҳокама этиб бориш зарур. Шунда янада ҳаётий таклиф ва тавсиялар шаклланади.

Санаторий ходимларининг ҳамжиҳатлиги, бирдамлиги туфайли жамоадан барча хурсанд. Буни нуронийлар фикрларидан ҳам билиб олиш мумкин. Сидқидилдан қилинган меҳнат, албатта, ўзининг ижобий самарасини беради.

**Реимбой ЕШИМБЕТОВ,**
**Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари.**

Партияларaро баҳс

# ПАРТИЯ ҒОЯСИГА МОС ТАКЛИФЛАР

*ЎзХДП дастурида аниқ белгиланган. Бироқ либераллар бундан кўз юмишга, жамоатчиликни чалғитишга уринмоқда*

**МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАР ЧУҚУРЛАШИБ БОРАЁТГАНИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ КУЧАЙИШИГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧМОҚДА. БУ ЭСА ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИ ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ЗИММАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРАДИ.**

Бунда жамият тараққий этишига оид муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш бўйича ҳар бир сиёсий куч ўз позицияси ва қарашига эга бўлиши, шу асосда электорат манфаатларига дахлдор ташаббусларни илгари суриши муҳим аҳамиятга эгадир. Табиийки, бу жараёнда сиёсий партиялар ўз дастури ва Сайловолди платформаси асосида иш кўради.

ЎзХДП дастури ва Сайловолди платформасида аҳоли фаровонлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий барқарорликка эришиш учун эътибор бериладиган асосий жиҳатлар, бу борадаги вазифалар аниқ белгиланган. Партиямиз ўз дастури асосидаги фаолиятида ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу эса мамлакатимизда ҳар томонлама самарали ижтимоий ҳимоя тизими шаклланиши учун ғоят муҳим саналади. Аммо либераллар ЎзХДПнинг узоқ истиқболга мўлжалланган дастурий мақсадларини, Сайловолди платформасини ҳеч бир мантиққа тўғри келмайдиган асоссиз гаплар билан талқин қилишга уриниб келмоқда.

Масалан, яқинда либераллар нашри «XXI ASR» газетасида чоп этилган мақолаларнинг бирида халқ демократларнинг асосий стратегик йўналишларини белгилаб берувчи дастури ва Сайловолди платформаси мазмуни фақат умумий қарашлардан иборат, холос. Уларни чуқурроқ таҳлил этсак, на партия дастури ва на Сайловолди платформасидан аниқ мақсадга йўналтирилган бирор-бир таклиф ёки ташаббусни топиш қийин, — деган фикрлар билдирилган.

ЎзХДП илгари сураётган ғоя партия дастури ҳамда Сайловолди платформаси асосан мамлакатнинг ижтимоий ривожланганлик ҳолатидан келиб чиқиб белгиланган. Соддароқ қилиб айтганда, ҳар икки ҳужжатда иқтисодиётни ривожлантириш жараёнида давлатнинг кучли ижтимоий сиёсат юритиш имконини сақлаб қолиш лозимлиги илгари сурилган. Либераллар эса уларда ифода этилган ғояларни тўғри англаб ололмай, охири «**умумий қарашлар**», «**аниқ мақсадга йўналтирилган бирор-бир таклиф ёки ташаббусни топиш қийин**» деган асоссиз гапларни ўйлаб топишди. Ёки бўлмаса, ЎзЛиДеПчилар партиямиз ҳужжатларини «чуқурроқ таҳлил» этаётган пайтда иқтисодиётни барқарорлаштириш, аҳоли, хусусан, маълумоти, малакаси етарли бўлмаган кишилар бандлигини таъминлаш, жойларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги таклифлардан атайлаб кўз юмишган.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласида ***ЎзХДП оиласини боқиш учун доимий иш ва барқарор даромад манбаига эга бўлмаган, аммо меҳнатга қобилиятли аҳоли, шу билан бирга, ишга жойлашишда қийинчиликка учраётган ёшларни қўллаб-қувватлаш***, *олинаётган пенсия ва ижтимоий нафақалар даражаси турмуш кечириш учун етарли бўлмаган пенсионерлар, ногиронлар, кўмакка муҳтож оилаларни давлат муҳофазасига олиш*, **асосий даромадни меҳнатдан оладиган, ишда ва меҳнатга ҳақ тўлашда талаблари иш берувчилар олдида ишончли ҳимоя қилинишига муҳтож одамлар манфаатларини ифода этишга** асосий эътиборни қаратади. Бу борада нималарга аҳамият бериш кераклиги, партиянинг мазкур йўналишдаги вазифалари аниқ белгиланган ва шу асосда кўплаб амалий ишлар олиб борилаяпти. Муҳими, партиянинг ўз позицияси ва аниқ мақсади мавжуд.

Бироқ либераллар ЎзХДПдан фарқли равишда асосий урғуни тадбиркорликни ривожлантириш масаласига қаратади. Бунга эътироз йўқ. Фақат кишини ўйлантирадиган бир жиҳат бор. Партия дастури фақат бу билан чекланмаган. Унда бошқа йўналишлар бўйича ҳам вазифалар белгиланган. Масалан, ЎзЛиДеП дастурида «**меҳнатга ҳақ тўлашнинг рағбатлантирувчи усулларини кенгроқ жорий этиш орқали ёлланма ишчиларнинг меҳнат самарадорлигини оширишга бўлган манфаатларини янада кучайтириш кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифадир**», деб белгиланган.

Аммо ЎзЛиДеП меҳнатга ҳақ тўлашнинг рағбатлантирувчи усулларини жорий этиш деганда айнан нимани назарда тутганини билиш мушкул. Партиянинг айни пайтдаги фаолиятида ҳам бу борада муайян амалиёт кўзга ташланмайди. ЎзЛиДеП дастури ва Сайловолди платформасида бундай мисоллар оз эмас.

ЎзХДП иқтисодиётни ривожлантиришнинг стратегик йўли негизида ижтимоий бозор иқтисодиёти ғояси бўлиши керак, деб билади. Шу орқали кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ҳаёт сифатини ошириш мумкин. Бу айниқса, вақтинча ишсиз, аммо қўлидан иш келадиган, касб-ҳунарли кам таъминланган кишилар, ногиронлар, бир сўз билан айтганда, давлат ва жамият кўмагига муҳтож фуқаролар манфаатини ҳимоя этиш учун муҳим саналади. Чунки бу билан уларнинг ҳаётга ишончи ортади, жамият равнақига дахлдорлиги кучаяди. Бу қараш партиямиз дастурида, шунингдек, Сайловолди дастурида ўз ифодасини топган.

Хусусан, ЎзХДП дастурида шундай дейилган: **«Партия ўз ижтимоий сиёсатини белгилашда аҳолининг юксак даражада ижтимоий ҳимояланганлиги одамлар фаровонлиги ва жамият ижтимоий барқарорлигининг ишончли пойдевори эканлигидан келиб чиқади».** ЎзХДП шундай деб билгани учун ижтимоий адолат ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ёрдамга муҳтож фуқароларни ўз электорати деб ҳисоблайди. Шу боис партия турли сабаблар билан бозор ислоҳотларига тайёр бўлмаган кишилар, хусусан, ногиронлар, кам таъминланганлар эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уларга муносиб турмуш шароитларини яратиш учун нималар қилиш кераклигини яхши тасаввур этади. Бунда иқтисодиётда юқори сармоя талаб қилмайдиган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш орқали бандлик масаласини ҳал этиш асосий масалалардан биридир.

Ҳар бир сиёсий партия мамлакатнинг ижтимоий ривожланиш ҳолатидан келиб чиқиб, электорат манфаати йўлида ўз ғояларини амалга оширишга қаратилган таклифларини илгари суриши табиий. Акс ҳолда, унинг ғояси ва фаолияти жамиятга фойда келтирмайди. ЎзХДП буни яхши англайди.

Партиямиз аҳолининг бандлигини таъминлашга эришиш ҳукумат фаолиятининг энг муҳим йўналиши бўлиши лозимлигини эътироф этган ҳолда ўз таклифларини ишлаб чиққан.

Масалан, хомашёни тўплаш ва бирламчи ишлов бериш бўйича, шунингдек, катта сармоя талаб қилмайдиган косибчилик, халқ ҳунармандчилиги ва касаначиликни ривожлантириш орқали иш ўринларини кўпайтиришга алоҳида эътибор бериш керак. Энг аввало, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида иқтисодий конюктура тебранишларига тезкорлик билан муносабат билдирадиган ва ўз фаолиятини ташкил этиш учун ресурсларни кўп талаб қилмайдиган соҳаларда иш ўринлари яратишни фаоллаштириш лозим. Бу орқали малакаси ва ишлаб чиқариш тажрибаси етарли бўлмаган ишга лаёқатли аҳолининг анчагина қисмини қамраб олиш мумкин.

Янги иш ўринларини яратаётган иш берувчиларга ягона ижтимоий тўловнинг пасайтирилган ставкалари тарифасида қўшимча имтиёзлар беришни, иш ўринларини қисқартираётган корхоналар учун эса муайян солиқ ставкаларини оширишни белгилаш лозим.

Агар ЎзЛиДеП фаоллари ЎзХДП дастури ва Сайловолди дастурини диққат ва эътибор билан ўрганишганда ЎзХДП дастурида иқтисодиётни ривожлантириш борасида берилган таклифларни илғаган, амалий баҳс-мунозара юритган бўлар эди.

**Лазиза ШЕРОВА**

**Либераллар нашри «XXI ASR» газетасида чоп этилган мақолаларнинг бирида халқ демократларнинг асосий стратегик йўналишларини белгилаб берувчи дастури ва Сайловолди платформаси мазмуни фақат умумий қарашлардан иборат, холос. Уларни чуқурроқ таҳлил этсак, на партия дастури ва на Сайловолди платформасидан аниқ мақсадга йўналтирилган бирор-бир таклиф ёки ташаббусни топиш қийин — деган фикрлар билдирилган.**

Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!



Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.

# ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН

*ҳар биримиз масъулмиз*

**Давра суҳбатида мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонунчилик билан таъминлангани, уларга ҳар бир соҳада ўз қизиқиши ва қобилиятини рўёбга чиқариши учун катта имкониятлар берилгани таъкидланди. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, юртимиз шуҳратини жаҳонга танитишда ҳар бир ёш ўз куч-ғайрати, билим ва қобилияти, буюк Ватанимиз қудратига суяниб юксак марралар сари олға интилиши зарур. Зеро, биз улуғ зотларнинг авлодлари, ноёб ва бетакрор мерос ворисларимиз.**

— Ҳар бир соҳада юқори натижага эришиш учун кунт билан ўқиб-ўрганиш, астойдил меҳнат қилиш керак, — дейди **ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси Шоҳруҳ Абдураҳмонов.** — Қанотимиз турли ҳамкор ташкилотлар билан бирга ёшлар орасида ташкил этаётган учрашув, давра суҳбати ва семинар-тренингларда, аввало мана шу жиҳатга эътибор қаратаяпмиз. Дастлаб қанот етакчилари ёшларнинг қизиқишларини ўрганаяпти. Шундан сўнг тадбирларни баҳс-мунозара асосида ташкил этишга ҳаракат қилаяпмиз. **Мақсадимиз — ёшларнинг ижтимоий-сиёсий билими ва фаоллигини ошириш, уларни юксак маънавиятли, ватанпарвар этиб тарбиялашга ҳисса қўшиш.**

Сўзга чиққанлар дунёда ахборот хуружлари авж олиб бораётган, айниқса, турли ёт оқимлар ёвуз мақсадларига эришиш учун уринаётган бир пайтда ёшларимизни бу хавф-хатарлардан огоҳ этиш, уларда мустақил фикрни мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлашди.

Ўзаро фикр алмашиш руҳида ўтган давра суҳбатида депутатлар, партия фаоллари ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб берди. Шунингдек, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолиятини янада кучайтириш, ҳар бир тадбирни аниқ мақсад асосида ташкил этиш кераклиги тўғрисида таклиф ва тавсиялар билдирилди.

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

**Ўз мухбиримиз**

ЎзХДП ҳаётидан

# ЭЛЕКТОРАТ БИЛАН ИШЛАШНИНГ

## *ташкилий асосларини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди*

**ЎзХДП ЖИЗЗАХ ШАҲАР КЕНГАШИДА ЎТКАЗИЛГАН СЕМИНАР-ТРЕНИНГДА ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ШАҲАР КЕНГАШИДАГИ ЎзХДП ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИ, БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ЕТАКЧИЛАРИ, ҲУҚУҚШУНОСЛАР ҲАМДА ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИ ҚАТНАШДИ.**

Мамлакатимизда демократик ислоҳотлар тобора чуқурлашиб, одамларнинг сиёсий-ҳуқуқий билими ошиб бораётган ҳозирги шароитда сиёсий партиялардан ўз электорати билан ишлашнинг замонавий усулларини талаб этмоқда. Бугун электорат вакиллари билан ўтказиладиган ҳар бир тадбирга партия фаоллари жиддий тайёргарлик кўрмаса, илғор усул ва технологиялардан самарали фойдаланилмаса, мақсадга эришиш қийин. Давра суҳбати қатнашчилари бу масалада камчиликлар оз эмаслигини таъкидлашди.

Шаҳар партия кенгаши ва депутатлик гуруҳининг бу борадаги ишлари таҳлил қилиниб, йўл қўйилаётган хато-камчиликларни зудлик билан бартараф этиш юзасидан таклифлар билдирилди.

— БПТлар ишини такомиллаштирмай туриб, электорат манфаатини самарали ҳимоя қилиб бўлмайди. — дейди **ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши масъул ходими Ҳаёт ХИДИРОВ.** — Бироқ қуйи бўғин етакчиларини танлаш, бошланғич ташкилот ишини тизимли ташкил этиш, уларнинг маҳаллий кенгашлар ва депутатлар билан алоқасини мустаҳкамлаш, жойлардаги муаммоларни изчил ўрганиш борасида камчиликлар кўзга ташланаётир. Шунинг учун тадбирда мазкур масалаларни бартараф этиш, электорат билан ишлашни замонавий мезонлар даражасига олиб чиқиш, етакчиларнинг ташаббускорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар берилди. Шу асосда галдаги вазифалар белгилаб олинди.

**Ўз мухбиримиз**

Ифтихор

# ВАТАНИМИЗНИНГ МАТОНАТЛИ ФАРЗАНДЛАРИ

Ўзбекистон вакиллари ишончли ўйин кўрсатганини учрашувлар натижалари ҳам тасдиқлаб турибди.

Дастлаб чемпионатнинг «B» гуруҳида Туркия (6:1), Япония (7:0), Либерия (8:2), Англия (4:2), Украина (4:0) футболчилари устидан ғалаба қозонган вакилларимиз ярим финалда Аргентина терма жамоаси дарвозасига жавобсиз тўртта гол киритди — 4:0.

— Финалга чиқишимизга ишонгандик, аммо буни уддалай олмадик, — деди учрашувдан сўнг Аргентина терма жамоаси сардори Уго Херену. — Биз жисмонан кучли бўлган рақибга ютқаздик. Ўз ўйинимизни намойиш этишга ҳаракат қилдик, бироқ хатога йўл қўйдик. Ўзбекистон ҳақли равишда ғалаба қозонди ва финалга йўлланмани қўлга киритди.

Ҳамюртларимиз мусобақа финалида мезбон — Россия терма жамоасига рўбару келди. Футболда «Ўз уйингда деворлар ҳам қўллайди» деган ибора бор. Бироқ минглаб ишқибозларнинг қўллаб-қувватлашларига қарамай, Россия футболчилари ҳамюртларимиздан устун келолмади. Ўйиннинг биринчи бўлимида Ҳайдарали Турсунбоев киритган ягона тўп (1:0) футболчиларимизга муҳим ғалабани туҳфа қилди — Ўзбекистон терма жамоаси қаторасига учинчи (!) бор жаҳон чемпионлигини қўлга киритди.

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*



Ҳасан ПИРМУҲАММЕДОВ олган сурат.

Қуйида жаҳон чемпионатида чинакам матонат ва маҳорат кўрсатган терма жамоамиз аъзолари билан танишинг: **Азиз Абдураҳмонов, Қудрат Худойқулов, Азизжон Азимов, Ҳайдарали Турсунбоев, Павел Сулаймонов, Нуриддин Турсунов, Муҳаммадазиз Арапов, Зоҳидхўжа Тошхўжаев, Қудрат Тўрахўжаев, Ҳакимжон Ҳасанов, Абдумалик Абдуҳамидов, Беҳзод Ҳакимов. Абдужалил Шукуров (сардор).**

Жамоа бошлиғи — **Рустам Кариев,** бош мураббий — **Мавзурхўжа Умархўжаев.**

Биз финал учрашуви ниҳоясига етиши биланоқ, терма жамоа бошлиғи ва ўйинчиларидан айримлари билан телефон орқали боғланиб, уларни ғалаба билан табриклашга шошилдик.

**Рустам КАРИЕВ,**
***терма жамоа бошлиғи:***

— Жуда ҳаяжондаман. Жамоамизнинг бу ютуғи, аввало, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришга қаратилган ғамхўрлик ҳамда эътиборнинг самарасидир. Бугун юртимизда аҳолининг жисмоний имконияти чекланган қатламини ҳам спортга жалб этишга алоҳида аҳамият берилаётгани эвазига шундай ғалабалар қўлга киритилмоқда. Рақибларимиз ким бўлишидан қатъи назар, йигитларимиз ҳар бир учрашувда ҳеч кимдан ҳайиқмасдан чиройли ўйин намойиш этди. Ушбу ғалабамиз — халқимизники, бутун Ўзбекистонники, деб биламиз.

**Абдужамил ШУКУРОВ,**
***терма жамоа сардори:***

— Чемпионликка эришишдан кўра, уни қўлда сақлаб қолиш қийинроқ. Ҳар бир жамоа жаҳон чемпионатига пухта тайёргарлик билан келганлигини аввалдан яхши билардик. Шу боис бу мусобақа олдидан жамоадошларимнинг руҳий тайёргарлиги муҳим аҳамият касб этарди. Ҳукуматимиз ва Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан жаҳон чемпионатига кўнгилдагидек тайёргарлик кўришимиз учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Терма жамоамиз аъзоларининг асосини иқтидорли ёшлар ташкил этади. Бу терма жамоамизнинг қаторасига учинчи марта жаҳон чемпионлигига эришишида жуда қўл келди.

**Ҳайдарали ТУРСУНБОЕВ,**
***терма жамоа ҳужумчиси:***

— Жаҳон чемпионатига фақат ғалаба қозониш учун келгандик. Жамоамиз аҳиллик билан майдонда тўп сурганлиги туфайли яна чемпион бўлдик. Мен муҳим учрашувларда рақиблар дарвозасига тўп киритдим. Финалда россияликларни енгиб, ғалабаларимиз шарафига Ватанимиз мадҳияси янграгач, кўзимга ёш келди. Ана шу лаҳзаларда ҳис этган туйғуларимни ҳозир икки оғиз сўз билан ифодалаб беришим осон эмас. Аслида спортчи учун бундан катта бахт бўлмаса керак оламда!

Фурсатдан фойдаланиб, бизга катта ғамхўрлик кўрсатган, барча шарт-шароитларни яратиб берган Юртбошимиз ва ҳукуматимизга, Ўзбекистон футбол федерациясига ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

Жаҳон чемпионатининг учинчи ўрин учун кечган баҳсида Туркия терма жамоаси Аргентина футболчиларини мағлуб этди — 3:0.

Мусобақа ниҳоясига етгач, уч карра жаҳон чемпиони — Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларига кубок, олтин медаллар топширилди. Шунингдек, футболчиларимиз ташкилий қўмита томонидан пул мукофоти билан тақдирланди.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон спорт делегацияси 18 октябрь тонггида юртимизга қайтиб келади.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**

Теннис



# «ЧЕЛЛЕНЖЕР» КАШФИЁТЛАРИ

**ПОЙТАХТИМИЗДАГИ РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИЯ ЗАХИРАЛАРИ ТЕННИС МАКТАБИДА УМУМИЙ МУКОФОТ ЖАМҒАРМАСИ 125000 АҚШ ДОЛЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛУВЧИ «ЧЕЛЛЕНЖЕР — 2012» ХАЛҚАРО ТУРНИРИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ.**

Мусобақанинг яккалик баҳслари финалида Владимир Игнатик (Белоруссия) турнирнинг биринчи рақамли ракеткачиси словакиялик Лукаш Лачкога қарши кортга чиқди. Унда белоруссиялик теннисчининг қўли устун келди — 6/3, 7/6(3).

Жуфтлик учрашувлари ҳам мухлислар диққат марказида бўлди. Ҳал қилувчи ўйинда германиялик Андре Бегеманн/Мартин Эммрих «дуэти» Рамиз Жунаид (Австралия)/Франк Мозер (Германия)ларга қарши баҳс юритди — 6/7(2), 7/6(2), 10-8.

**(Ўз мухбиримиз).**

Кўргазма залларида

# «МЕН ДУНЁДА, ДУНЁ МЕНДАДИР»



Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

**ЮРТИМИЗДА ЎТКАЗИЛГАН ART WEEK STYLE.UZ АНЪАНАВИЙ САНЪАТ ҲАФТАЛИГИ ДОИРАСИДА ТОШКЕНТ ФОТОСУРАТЧИЛАР УЙИДА «ФОТОБИЕННАЛЕ — 2012» КЎРГАЗМАСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ЎТТИЗДАН ОРТИҚ ДАВЛАТНИНГ ИККИ ЮЗ НАФАРГА ЯҚИН ТАНИҚЛИ ФОТОСУРАТЧИЛАРИНИНГ АСАРЛАРИ НАМОЙИШГА ҚЎЙИЛДИ.**

«Мен дунёда, дунё мендадир» деб номланган кўргазмада япониялик Киё Окадо ва Широ Широхатонинг Япония рамзи — Фудзияма тоғи манзараларига бағишланган фотосуратлари кўпчиликнинг эътиборини жалб этди. Япониянинг марказий қисмида жойлашган Фудзияма тоғи қадимдан япон халқининг фахри ҳисобланиб, қанчадан-қанча ижодкорларни кўплаб санъат асарлари яратишига илҳомлантирган.

Фотосуратчи Широ Широхато шу тоғнинг этагида жойлашган қишлоқда туғилиб, унинг ҳавосидан илҳом олган ижодкор. У тоғ ён бағрига тез-тез келиб, ажойиб манзараларни тасвирга оларди. Устози Киё Окада ҳам умрини Фудзияма тоғи манзараларини фотосуратларга олишга бағишлаган. Устозидан суратга олиш сирларини ўрганган Широхато фото ишларида тоғнинг ажиб манзараларини акс эттиради. Мазкур кўргазмада ҳам устоз-шогирднинг Фудзиямага бағишланган сара суратлар тўплами намойиш қилинди. Йил мавсумларидаги тоғ манзараси ва унинг атрофида сузаётган булутлар, гўзал водий тасвирларига қараб гўзал табиатнинг бетакрор мўъжизаларидан ҳайратланасан, киши.

Бу фотосуратлар дунёнинг кўплаб нуфузли кўргазма залларида намойиш қилиниб, Фудзиямани, Япония ва япон халқини тараннум этган. Юртимизда ҳам гўзалликда тенгсиз Нурота, Ҳисор, Чотқол каби тоғлар бор. Улар ҳали фотосуратчилар нигоҳида тўлиқ аск этмаган. Ваҳоланки, фотосуратчилар, рассомлар тоғларимизнинг ажиб манзараларини тасвирлаш орқали ёш авлодни Ватанга, табиатга муҳаббат руҳида тарбиялашга ҳисса қўшиш билан бирга юртимизни, халқимизни бутун дунёга намоён этишлари мумкин.

**Альбина ЖУМАНОВА**

Спорт

**13 – 14 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ ОСИЁ ОЛИМПИЯ КЕНГАШИ, XVII ЁЗГИ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАСИ АЪЗОЛАРИ ЮРТИМИЗДА МЕҲМОН БЎЛДИ. ТАШРИФ ДОИРАСИДА ПОЙТАХТИМИЗДА БИР ҚАТОР ТАДБИРЛАР УЮШТИРИЛДИ.**

# МЎЛЖАЛДА — XVII ЁЗГИ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ!

17th Asian Games
INCHEON 2014

Хабарингиз бор, XVII ёзги Осиё ўйинларига 2014 йили Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳри мезбонлик қилади. Айни пайтда ушбу нуфузли мусобақани юксак савияда ўтказиш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Осиё Олимпия Кенгаши ва Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этган тадбирлар ҳам айнан шу мусобақага бағишланди.

Дастлаб пойтахтимиздаги «Миран» меҳмонхонасида спорт журналистикасига қизиқувчи ёшлар иштирокида «Осиё ўйинлари ёш журналисти» илмий-амалий семинар ўтказилди. Унда «Осиё спорти» журнали муҳаррири Жереми Уокер машғулотлар олиб борди. Сўнгра ўқувчи-ёшлар «Ўзбекистон спортчилари Осиё ўйинларида», «Осиё ўйинлари жўғрофияси ва тарихи» сингари эркин мавзуларда ижодий иншо ёзди.

Куннинг иккинчи ярмида эса семинар қатнашчилари шу мавзулар бўйича ўтказилган викторинада фаол иштирок этди. Ҳар икки босқичда ҳам танлов инглиз тилида ўтказилди. Иншо ёзиш бўйича ҳакамлар ҳайъати томонидан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицейи учинчи босқич ўқувчиси Шерзод Қодиржонов ғолиб, деб топилди. Викторинада пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 50-умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси Сардор Мирахмедовга омад кулиб боқди. Ғолибларга 2014 йили Инчеонда бўладиган XVII ёзги Осиё ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи сертификат топширилди. Уларнинг сафар харажатларини ўйинлар ташкилий қўмитаси тўлиқ ўз зиммасига олди. Яна бир қувонарли томони, танлов ғолиблари Жанубий Кореяга ўзлари билан бирга оила аъзоларидан бирини ҳамроҳ қилиб олиб кетиш ваколатига эга.

Тадбирнинг иккинчи кунида пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида болалар ва ўсмирлар иштирокида оммавий югуриш мусобақалари ўтказилди. 11 ёшдан 17 ёшгача бўлган болалар ўртасида уч йўналишда ташкил этилган баҳсларда олти юздан зиёд ўғил-қиз қатнашди. Мусобақада эллик нафардан ортиқ жисмоний имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар ҳам фаол иштирок этди. Ташкилотчилар нафақат ғолиб ва совриндорларни, балки барча иштирокчиларни махсус совғалар билан тақдирлашди.

— Ташрифимиз давомида юртингизнинг бир қатор спорт иншоотларини кўздан кечирдик, — деди XVII ёзги Осиё ўйинлари ташкилий қўмитаси бош котиби Кюнгсанг Квон. — Уларда спортчилар учун яратилган шарт-шароитларни кўриб, сизларга ҳавасим келди. Ўзбекистонликларнинг қитъа ва жаҳон чемпионатлари, Олимпия ўйинларида эришаётган ютуқлари бежизга эмаслигини ҳис қилдим. Жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор қаратилган юртда соғлом авлод тарбия топади, мамлакатни дунё танийди. Биз бу соҳада Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишдан бениҳоя мамнунмиз. Икки кун давомида ўтказилган тадбирларимизни Жанубий Корея ҳамда мамлакатингиз ўртасида йўлга қўйилган дўстона ҳамкорликнинг йигирма йиллигига бағишлаймиз. Ишонаманки, Инчеонда ўтадиган мусобақаларда ҳам ўзбекистонлик кўплаб спортчилар ғолиб ва совриндорлар сафида бўлишади.

**(Ўз мухбиримиз).**

**ОБ-ҲАВО 16-17 – 10. 2012**

*Юртимиз бўйлаб (°С)*

| | | |
|---|---|---|
| *Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти* | | |
| +3 / +8 | +18 / +23 | |
| *Бухоро ва Навоий вилоятлари* | | |
| +8 / +13 | +20 / +25 | |
| *Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари* | | |
| +7 / +12 | +19 / +24 | |
| *Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари* | | |
| +8 / +13 | +20 / +25 | |
| *Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари* | | |
| +6 / +11 | +20 / +25 | |
| *Тошкент шаҳри* | | |
| +8 / +10 | +21 / +23 | |

*Дунё бўйлаб (°С)*

| | |
|---|---|
| Лондон | +5 / +4 |
| Париж | +9 / +8 |
| Москва | +5 / +3 |
| Мадрид | +10 / +8 |
| Пекин | +8 / +7 |
| Канберра | -2 / -3 |
| Рим | +11 / +10 |
| Афина | +10 / +9 |
| Токио | +18 / +15 |
| Стокгольм | +2 / +3 |
| Кейптаун | +12 / +11 |
| Қоҳира | +18 / +15 |
| Гавана | +23 / +23 |
| Вашингтон | +3 / +5 |

Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши ижроия қўмитаси ва халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи Сурхондарё вилоят ҳокими, халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Нормўмин Чориевга онаси

**ТЎТИ ая**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 3 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1046
10097 nusxada bosildi.

t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.30
Topshirilgan vaqti — 23.45

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Obiddin MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5